

ISSN 2181-7324

ЎзМУ ХАБАРЛАРИ

№ 1/5 ✧ 2017



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУз ✧ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2017
1/5**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Р. ХАЛМУХАМЕДОВ – ф-м.ф.д.

Таҳрир хайъати:

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Ҳ. – соц.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2017

Филология

Abdullaeva G. The multiple roles of educators in children's creativity	338
Абдуллаева С.Н. Современные подходы обучения русского языка как неродного	341
Abdullayeva N.E. Traditionality and self-containedness of proverbs	346
Абдураззокова Г.Ж. Нон узли паремияларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	349
Абдухамидова Л. Туризм терминларининг лексикографик талқинлари хусусида	351
Агзамова З.И. Педагогическая компетентность учителя	353
Akramov Sh.R. Our first president – national leader of Uzbekistan	356
Аллаярова З.Б. Тилни когнитив ўрганишнинг формал тадқиқ манбасига доир	359
Babajanova Ya.M. New perspectives on reported speech definition	362
Bahakhodjaeva Sh.M. The implementation of multimedia technology in teaching English	365
Bakirova N.B. Formation the lexical skills in teaching foreign languages	368
Балтабаева А.М. Загавда заглавия романа В.Пелевина «Generation «П»	370
Barноеv M.J. English spelling practice	373
Baxtiyarova F. O'zbek va ingliz tilidagi ayrim leksemalarning qiyosiy lingvokulturologik jihatlari	375
Болибекова М.М. Инглиз ва ўзбек тилларидаги гапларнинг ўзига хос хусусиятлари	378
Boltayeva D.B. Using innovative technology effectively to transform the efl classroom	382
Ғозиева М. Ўзбек тилида тўхтам (пауза) ва унинг прагматингвистик хусусияти	385
Джалилова Х.М. Китоб мутолasi ҳақидаги айрим фикрлар	387
Джумабаева Ж.Ш. Градуонимия ходисаси ва таржимашунослик	391
Довлетова К.С. Общность отражения возвышенного мира в суфийской поэзии и в сказке Э.Т.А. Гофмана «Золотой горшок»	394
Жалолитдинова М. Алишер Навоий ва Абдулла Авлоний ҳикоятлари генезиси	397
Землянкина Ю.И. Интерактивные методы обучения на уроках иностранного языка	401
Ибрагимов Ж. Лисоний имкониятларнинг нуткий воқеланиши тадқиқи омиллари	403
Исламова Г.Т. Использование информационных и коммуникационных технологий и мультимедийных средств в обучении английскому языку	406
Истамова Н.А. Обогащение словарного запаса учащихся в школе	409
Камилова С.Э. Специфика развития русской и узбекской малой прозы 60-80-х годов XX века	411
Каримов У.Н. Концепт тушунчаси ва унинг бадиий адабиётдаги моҳияти	416
Қўлдашева Ш.А. Нутқ стереотипининг лингво-маданий дивергенцияга таъсири хусусида	418
Қўлдошев А. Когнитив грамматиканинг базавий тушунчалари масаласи ҳақида	421
Мадиримова С.М. Мутриб девонининг қўлёзма манбалари	424
Maksumova U. Overview of learning styles	427
Менглиев Б.Р., Ибрагимов Ж. Диалектика қонунларининг тилни субстанциал-прагматик тадқиқ қилишдаги методологик аҳамияти ҳақида	429
Мухамедова С.Х., Широнова Е.Т., Худойбердиева С.Х. Банк-молия, маркетинг терминларининг қўп тилли таржима луғатларини яратиш зарурати хусусида	433
Назарова Д.О. Чет тилини билиш даражасини аниқлашда миллий тест тизимининг шаклланиши: ютуқ ва муаммолар	435
Nazarova M.A. Methodological recommendations on reducing difficulties with polysemantic lexical units while reading texts in english	439
Пидаева Ш.Б. Активные методы обучения в ВУЗе	442
Рофиева Г.Ю. Миллий-маданий сўзлар акс этган луғатларни тузиш мезонлари	446
Рыбинская Э.Г. Роль описания природы в романах Джейн Остен «Гордость и предубеждение» и Шарлотты Бронте «Джейн Эйр»	449
Samanova Sh.B. Reducing teacher talk: a student-centered approach to teaching	452
Солихўжаева Ҳ. Гул сайилларини ифодаловчи геортонимларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	455
Тўраева Д. Истиклол даври миллий насрида Амир Темур образининг бадиий талқини (Асад Дилмуроднинг «Мезон буржи» қиссаси мисолида)	457
Турдалиева Д.С. Борликни эстетик идрок этиш бадиий матни лингвопоэтик тадқиқ қилиш қўзғусида	460
Умарова М.Ю. Адабиётшуносликда қиёсий-тарихий методнинг тараққиёт босқичлари	464
Хабинова Р.А. Инглиз гап структурасида инструментал синтаксеманинг эксплицит тарзда ифодаланиши	467
Хамраева Ш. Тил корпусининг лингвистик ва бошқа соҳалардаги аҳамияти	471
Ходжаева Д.И. «Морфология» ва «синтаксис» терминларининг лексикографик талқини	475
Xomidova M. Intertekst va uning turlari	478
Худойбердиева С.Х. Ўзбек тили терминологик тизимларининг семантик хусусиятлари	481
Yuldasheva N.I. Tasviriy san'at o'qitish metodikasi va tabaqalashtirib o'qitish	485
Yusupova N.K. Theoretical bases of using the cefr norms in the formation and development of the lexical competence of students b1 level	489
Назарова Б.А. Ўлажақ ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик лаёқатини креатив ёндашув асосида тарбиялашнинг илмий-амалий аҳамияти	491

МУТРИБ ДЕВОНИНИНГ ҚҮЛЁЗМА МАНБАЛАРИ

Мадиримова С.М. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошлари Хоразм адабий муҳиtida яшаб ижод қилган шоир Муҳаммад Ҳасан Мутриб девонининг қўлёзмаларига доир маълумотлар таҳлил этилган. “Девони Мутриб Хонахароб” манбалари илмий тавсифи ва тадқиқи асосида эътиборга молик умумлашмалар чиқарилган.

Калит сўзлар: қўлёзма, манба, матн, тадқиқ, тавсиф, дебоча, хотима, қиёсий таҳлил, газал, мухаммас, мусаддас, шеър, пойгир.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон Феруз атрофида ўзига хос адабий муҳит юзага келди. Табибий, Баёний, Аваз Ўтар, Чокар, Мунзим каби ижодкорларнинг бизгача етиб келган асарлари ана шу адабий муҳит ҳақида муайян тасаввур беради. Мазкур ижодкорлар мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, қарийб ярим аср мукаддам бажарилган биргина номзодлик диссертациясини истисно қилганда, сермахсул ижоди билан мазкур адабий муҳитда ўзига хос ўрин тутган зуллистонаин шоир – Муҳаммад Ҳасан Мутриб лирик мероси талаб даражасида тадқиқ қилинган эмас. Шоирнинг бизгача етиб келган катта ҳажмдаги мукамал девони ва иккита кичик девони матншунослик аспектида ўрганилиши хануз кун тартибиди.

Адабиётшунослигимизда Муҳаммад Ҳасан Мутриб ҳақидаги дастлабки илмий мулоҳаза академиклар Ботир Валихўжаев ва Воҳид Абдуллаев томонидан билдирилган. Ҳаммуаллифликда эълон қилинган мазкур мақолада Мутриб шеърляти Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чокар, Мунзим каби шоирлар асарлари билан қиёсий ўрганилади, шу асосда умумлашма фикрлар билдирилади [1].

Адабиётшунос олимлар О.Шарифиддинов [2], М.Юнусов [3], А.Бобохўжаев [4] ва Ғ.Мўминовнинг [5] XX аср бошлари поэзияси ҳақидаги тадқиқотларида Мутриб ва унга замондош шоирлар давр ҳаётида муҳим из қолдиргани таъкидланиб, ижодкор асарларига юқори баҳо берилади.

Филология фанлари номзоди Ф.Ғанихўжаев Алишер Навоий ва бошқа илғор ўзбек адибларининг давомчилари сифатида Мунис, Огахий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ўғли ва Баёнийлар қаторида Мутриб ижодий мероси ҳақида ҳам эътиборга молик фикрларни билдиради. Бироқ бу тадқиқотларда ҳам адабиётга ўша давр ҳукмрон мафкураси нуктаи назаридан баҳо бериш тамойили етакчилик қилади [6].

Н.М.Маллаевнинг “Классик адабиёт бойликларини чуқур ўрганайлик ва кенг оммалаштирайлик” [7] мақоласида Аваз Ўтар ўғлига замондош бўлган Мутриб Хонахаробий, Мирзо сингари шоирлар асарларини чоп этиш ва кенг оммалаштириш зарурлиги ҳақида ёзади.

Мутрибнинг махсус тузилган девонлари, шеърлари киритилган кўплаб - Хива баёзлари, мажмуа ва тазкираларни ўрганиш, адабиётимиз тарихида тутган ўрнини белгилаш муҳим эканини таъкидлаш керак. Мутрибнинг қисқача биографияси

ва шеърларидан намуналар илк бор “Ўзбек адабиёти” хрестоматияси бешинчи томи иккинчи китобида [8] эълон қилинган. Лекин 10 та газал, 1 та мусаддас ва 1 та маснавийдан иборат бу шеърлар, табиийки, шоир лирик мероси ҳақида тўлақонли тасаввур бера олмайди.

Ҳозирги кунда шоир девонининг бизгача бир канча қўлёзма нусхалари етиб келган бўлиб, улардан учтаси ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2679 [9], 903/V[10], 906-VII [11] – инвентарь ракамли қўлёзмалар ва биттаси марҳум адабиётшунос олим Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланади [12].

ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 2679-инвентарь ракамли “ديوان مطرب خانه خراب” - “Девони Мутриб Хонахароб” қўлёзмаси 1320 (милодий 1902) йилда котиб Мулла Абдулкарим ибн Муҳаммадраҳим марҳумий ибн Пахлавон Ниёз мирзобоши марҳумий томонидан кўчирилган. Қўлёзма 498 саҳифа (249 арақ)дан иборат. Зуллистонаин шоирнинг 707 та газал, 16 та мухаммас, 8 та мусаддас ва 2 та қасидаси ушбу қўлёзмадан жой олган. Қўлёзма хошияларида ҳам бир канча газал, мухаммас, мусаддас ҳамда қасидалар битилган. Манба матни чиройли настаълиқ хатида, қора сиёҳда кўчирилган бўлиб, ҳар бир жанр сарлавҳаси қуйидагича кизил сиёҳ билан аввал рақам, жанр номи, шоир исми ва тахаллуси билан “1 газал, Мутриб Хонахароб”, “1 мухаммас, Мутриб Хонахароб”, “1 мусаддас, Мутриб Хонахароб”, “Қасида, Мутриб Хонахароб” тартибиде берилади. Девон саҳифаларининг изчиллигини кўрсатиш мақсадида пойгир берилади. Пойгир: “б” саҳифанинг биринчи сўзи “а” саҳифанинг пастки қисмида қия шаклда берилади. Қўлёзма саҳифалари мукамал бўлиб, матн яхши сақланган. Қўлёзма “Бисмиллохир раҳмонир раҳим”дан бошланиб, биринчи газал “Муҳаммад Ҳасан девон мутахаллиси бил – Мутриб Хонахароб валади Ҳожи табиб” сарлавҳаси билан берилади.

Мутриб девони анъанавий тарзда ҳамд-газал билан бошланади:

Зиҳи жонларга ҳамдиндин бўлуб файзу сафо пайдо,

Хаёлингдин қўнгулларга бўлуб ҳар муддао пайдо.

Девоннинг хотимасида котиб томонидан қуйидаги маълумотлар ёзиб қўйилган:

*Саховат маснади узра қаёнга қилса наззора,
Бори эл лутфу эҳсони биша қувватмадор ўлди.*

* Мадиримова С.М. – ТошДУТАУ ўқитувчиси.

Котиб Мулла Адбулкарим ибн Муҳаммадраҳим мархумий ибн Паҳлавон Ниёз Мирзобоши мархумий. Сана 1320”.

М.Пирназаров номзодлик диссертациясида адабиётшунос олим Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган “ديوان مطرب خانه خراب” - “Девони Мутриб Хонахароб” қўлёзмаси ҳақида батафсил маълумот беради [13].

Мутрибнинг ушбу девони 1327 (милодий 1909) йилда Муҳаммад Шариф бин Муҳаммад Ёқуб девон – Ҳаррот томонидан Хивада қўчирилган. Қўлёзма 300 саҳифадан иборат. Қўлёзма хошияларига ҳам бир қанча ғазал ва мухаммаслар битилган. Матн настаълиқ хатида, қора сиёҳда қўчирилиб, ҳар бир шеър бошида шоир исми қизил ранг билан “ديوان مطرب خانه خراب” – тарзида битилган. Қўлёзма саҳифалари яхши сақланган. Қўлёзмада 875 та ғазал, 16 та мухаммас, 5 та мусаддас, иккита қасида жамланган. Девоннинг биринчи саҳифасида “Муҳаммад Ҳасан девон мутахаллиси Мутриб Хонахароб валади Ҳожи табиб” - деб, хотима ўрнида эса, қўчирувчи томонидан ушбу маълумотлар ёзиб қўйилган: “...Муҳаммад Шариф бин Муҳаммад Ёқуб Девон мулаққаби бил-Ҳаррот ёзиб тамомга еткурди. Сана: 1327”.

1320 (милодий 1902) йилда ҳамда 1327 (милодий 1909) йилда қўчирилган “Девони Мутриб Хонахароб” қўлёзмалари девон тузиш анъаналарига тўла мувофиқ келади. Ушбу қўлёзмалар ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 903/V, 906/VII – инвентарь рақамлари билан сақланади. Мутрибга замондош бўлган бошқа шоирларнинг девонлари ҳам мазкур қўлёзмалардан ўрин олган.

Настаълиқ хатида қўчирилган 903/V инвентарь рақамли қўлёзмада девонларнинг жойлашиш тартиби қуйидагича: Девони Нозир, Девони Пуркомил, Умидий Хаёлий, ва Мутриб девонлари. Қўлёзманинг умумий ҳажми 273 варак, 546 саҳифадан иборат. Шундан 70 варағи девоннинг сўнгида, яъни 273 бетида “Котиб Мулло Каримберган девон ибн Раҳимберган девон” экани айtilган. Девонга шоирнинг 416 та ғазал, 14 та мухаммас, 2 та мусаддас ва битта қасидаси киритилган. Ҳазалларнинг 245 таси ўзбек тилида, 171 таси форс-тожик тилида ёзилган.

Мутриб буюк салафлари Навоий, Жомий, Зебуннисо ҳамда замондошлари Равнак, Мунис, Феруз, Навраз, Амир, Табибийларнинг ўзбек, форс-тожик тилидаги шеърларига мухаммаслар боғлаган.

ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 906/VII – инвентарь рақамли қўлёзма ҳам 903/V – инвентарь рақамли

қўлёзма сингари бир неча девонлар мажмуасидан иборатдир. Ушбу қўлёзмада Мутрибга замондош бўлган ўн та шоир: Муродий, Фаррух, Доий, Ожиз, Хокий, Девоний, Мутриб, Надимий, Ходим ва Чокар девонлари бир муқова остига жамланган. Қўлёзма 674 саҳифадан иборат бўлиб, унинг котиби ва қўчирилган вақти ҳақида маълумот берилмаган. Фақат Мутриб ва Надимий девонлари хотимасида “Котиб Мулло Болтаниёз бин уста Қурбонниёз мулаққаби Ҳаррот” экани қайд этилган. Қўлёзманинг 248-280 саҳифаларидан ўрин олган Мутриб девони таркибидан шоирнинг 304 та ғазал, 6 та мухаммас ва битта қасидаси жой олган.

ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 903/V, 906/VII инвентарь рақамли қўлёзмаларни ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 2679-инвентарь рақамли қўлёзма ҳамда Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган “ديوان مطرب خانه خراب” - “Девони Мутриб Хонахароб” қўлёзмаси билан қиёсий ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, уларнинг ҳажми нисбатан кичик ва шоир адабий меросини тўлиқ қамраб олмаган. Шунга қарамай, бу кичик девонлар шоир шеърларининг мукамал илмий-танқидий матнини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

“Девони Мутриб Хонахароб”нинг 1902 йилдаги қўлёзмасида 8 мусаддас берилган бўлса-да, қўчирилиши кейинги даврга мансуб бўлган (1909 йил) қўлёзмада 5 та мусаддас жой олган. Ҳазаллар эса, аксинча, 1909 йилда қўчирилган қўлёзмада кўпроқ – 875 та (1902 йилда қўчирилган қўлёзмада 707 ғазал). Муҳаммас ва қасидаларнинг миқдори бир хил. Бундан маълум бўладики, бизнинг қўлимиздаги 1902 йилда қўчирилган қўлёзма нисбатан мукамал ҳисобланади. Шу сабабли, Мутриб девонини нашрга тайёрлашда йиғма-қиёсий матн тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган қўлёзма ҳамда ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 2679-инвентарь рақамли қўлёзмаларни қиёсий ўрганиш, шоир адабий мероси ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитади. Манбаларнинг қиёсий тадқиқи асосида ижодкор лирик асарларининг мукамал илмий-танқидий матнини яратиш, матн тарихини ўрганиш матншунослик олдида турган долзарб муаммолардандир. Бу каби вазифаларнинг бажарилиши истикболда Муҳаммад Ҳасан Мутриб ижодий меросининг адабиёт тарихидаги ўзига хос ўрнини белгилаш ва ижодкор маҳорати сирларини кашф этиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев В., Валихўжаев Б. “Улуг Октябрь социалистик революциясининг арафаси ва гражданлар уруши даврида ўзбек поэзияси” Алишер Навоий номидаги ЎзДУ нашри. Самарқанд, 1958, 3-9-бетлар.
2. Шарафиддинов О., Йиллар ва йўллар. “Адабиётимизнинг ярим асри” мажмуаси, Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1967, 172-бет.
3. Юнусов М., “Традиция ва новаторлик проблемаси”, “ФАН”, Тошкент, 1965.

4. Бобохўжаев А., Йигирманчи йиллар ўзбек совет поэзиясида замонавийлик учун кураш", номзодлик диссертацияси, Тошкент, 1964.
5. Мўминов Ғ., "Тардиция ва маҳорат", "ФАН", Тошкент, 1968, 91-бет.
6. Ғанихўжаев Ф., "Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди", номзодлик диссертацияси. Тошкент, 1969.
7. Маллаев Н.М., "Классик адабиёт бойликлари чуқур ўрганайлик ва кенг омалаштирайлик" номли мақола. "Ўқитувчилар газетаси", 1957, 12 март.
8. Ўзбек адабиёти, Хрестоматия, 5 том, II китоб, Тошкент, 1968.
9. Девони Мутриб Хонахароб. Қўлёзма инв. рақами қўлёзма №2679.
10. Девони Мутриб Хонахароб. Қўлёзма инв. рақами қўлёзма №906-VII.
11. Девони Мутриб Хонахароб. Қўлёзма инв. рақами қўлёзма №903-V.
12. Девони Мутриб Хонахароб. Қўлёзма. Шахсий кутубхона.
13. Пирназаров М., "Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли" номли илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 1973, 11-бет.

РЕЗЮМЕ

В статье затронут вопрос относительно источников дивана Мухаммада Хасан Мутриба, одного из плодотворных поэтов живших в конце XIX-XX вв. в Хорезмской творческой среде.

Также приведены научно обоснованные сведения о диване поэта и его рукописных вариантах. Исследование рукописей дивана «Дивани Мутриб Хонахароб» по направлениям источниковедения и текстологии играет большую роль в определении творческого наследия Мутриба Хонахароба.

Ключевые слова: рукопись, источник, текст, исследования, инвентарь, число, эпилог, заключения, сравнение, газель, мухаммас, стих, пайгир (сноска).

RESUME

In the article it is written regarding the works of one of the productive poets, Mukhammad Khasan Mutrib who led a life in the late 19th and in the beginning of 20th centuries literal period in Khorazm. Moreover, it is illustrated some scientifically proven datum about the clause, article as well as about the copies of manuscript. The article "Devoni Mutrib Khonaxarob" takes vitally important role with the feature that it indicates Mutrib Khonaxarob's whole legacy of creative works involving tautology and source ology.

Key words: manuscript, source, text, analysis, inventory number, introduction, conclusion, compare, gazal, muxammas, musaddas, poem, explanation.